



Ислом Нури

Аллоҳ таоло айтади: **«У Кунда (мўминларнинг) юзлари яшнаб, Парвардигорларига боқиб турувчидир!»** (Қиёмат: 22, 23).

Кофирлар ҳақида айтади: **«Ҳеч шак-шубҳа йўқки, улар ўша (Қиёмат) Кунда Парвардигорларидан тўсилувчидирлар»** (Мутоффифун: 15).

Аллоҳ таоло айтади: **«У Кунда (мўминларнинг) юзлари яшнаб, Парвардигорларига боқиб турувчидир!»** (Қиёмат: 22, 23). Кофирлар ҳақида айтади: **«Ҳеч шак-шубҳа йўқки, улар ўша (Қиёмат) Кунда Парвардигорларидан тўсилувчидирлар»** (Мутоффифун: 15).

Суҳайб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Жаннат аҳли жаннатга киргач, Аллоҳ таборака ва таоло: «(Берган неъматларимга) яна бирон нарсани зиёда қилишимни истайсизларми?», дейди. Улар: «Бизнинг юзларимизни ёруғ қилмадингми, бизларни жаннатга киритмадингми, дўзахдан нажот бермадингми, ахир?! (Бундан ортиқ яна қандай неъмат бўлиши мумкин?!))», дейишади. Шунда У пардани туширади, уларга Парвардигорларига боқишдан кўра суюмлироқ бирон нарса берилмаган бўлади» (Имом Муслим ривояти).

Бир ривоятда: «Сўнгра: **«Чиройли амал қилган зотлар учун гўзал оқибат ва зиёда неъматлар бордир»** (Юнус: 26) оятини ўқидилар».



Ислом Нури

«Аллоҳ таоло жаннат аҳлига тайёрлаб қўйган ҳурмат-эҳтиромларнинг энг улуғи - У зотнинг жамолига боқиш неъматидир. Бу аҳли жаннат топадиган энг катта лаззатдир. Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар: 1. Қиёмат куни мўминлар Аллоҳ таолонинг Юзини кўришлари ҳақ экани; 2. Бу - жаннат аҳли топадиган энг катта неъматдир; 3. Кофирлар Аллоҳ таолонинг Юзини кўришдан маҳрум этиладилар.»

Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида эдик, у зот тўлин ойга боқиб туриб айтдилар: «Сизлар Парвардигорингизни худди шу ойни кўриб турганингиздек кўрасизлар» (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Аллоҳ таоло жаннат аҳлига тайёрлаб қўйган ҳурмат-эҳтиромларнинг энг улуғи - У зотнинг жамолига боқиш неъматидир, бу аҳли жаннат топадиган энг катта лаззатдир.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Қиёмат куни мўминлар Аллоҳ таолонинг Юзини кўришлари ҳақ экани;
2. Бу - жаннат аҳли топадиган энг катта неъматдир;
3. Кофирлар Аллоҳ таолонинг Юзини кўришдан маҳрум этиладилар.